

Тариф қиймати:
 Сув 1 м³ 400 (+НДС15%+100 сүм) сүм
 Оқава 1 м³ 350 (+НДС15%+100 сүм) сүм

341261

-сонли шартнома

II Гурух истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

«24» 01 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шахар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

Сув маҳсусоми бўйичаси бўйичи Шоакратов Ш.Ш.
(Ф.И.Ш.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Ичимлик хизматлари бўйиче Уримашини курнишлар асосида иш олиб борувчи директор А.Х. Саидов (Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, кўйилагилар хакида тузилди:

I. Шартнома предмети

| |
|--|
| 1.1. 202 <u>2</u> йил учун сув етказилинг ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гурух истеъмолчилари учун сув етказилинг <u>1062, 50</u> нарх бўйича <u>383,38</u> м ³ ни: |
| 1 м ³ сув учун <u>400</u> сўм (+ККС 15%), + <u>100</u> сўм (махсус устама ҳак)ни ташкил килмоқда |
| 1 м ³ оқава суюклик учун <u>350</u> сўм (+ККС 15%) + <u>100</u> сўм (махсус устама ҳак) |
| Шу тарика шартноманинг умумий қиймати <u>4073,41,25</u> сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан) |
| Шу жумладан, бюджет маблагларидан <u>4073,41,25</u> сўм, бюджетдан ташкири маблагларидан |
| маблагларидан <u>4073,41,25</u> сўм бюджетдан ташкири маблаглардан |
| тўланиши кўзда тутилган. |

Бюджет ташкилотлари II гурух истеъмолчилари Кондаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазнчилиги оркали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилди.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда баркарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (ККС ни ҳисобга олган холда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтириди.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичизда "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун тўловларни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини чиқариши хизматлари кўрсатиш Кондалари"га (кейинчалик матнда – Кондалар деб юритилади), ва Тошкент шахар хокимининг 2020 йил I апреддаги № 317-сонли карорига, унга мувофиқ тарифга. 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига хам:

1 м³ 100 сўм маҳсус устама ҳак жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқава сув чиқариши тизимиға уланиш учун руҳсат этиувчи хўжатларга риоя қилип мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасаруғидаги барча обьектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шахар сув тизимиға уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг микдори ва диаметрларини кўрсатган холда, кадастрган нусхасини тақдим килади. "Таъминотчи"ни ўз вактида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хакида хабардор килади.

II. Умумий кондалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вактдан ташкири сув сепини, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиши учун фойдаланиш катъян ман этилди.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимиғидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгиниларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технologик ва ишлаб чиқариши жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган холатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти пизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармокларидан сув олиб, оқава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармокларига ўтвучи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариши шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Кондаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартларига, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш усунасанин ечиши, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли карорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, обьектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилди ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол килинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармогини кайгадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари қабул килинмайди ва ҳисоблаш Кондаларда ўрнатилган тартиби амалга оширилди.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш курилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Иsteъmolчи томонидан факат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойхада асосида амалга оширилши мумкин бўлиб, улар "Иsteъmolchinig" сўровномаси асосида, барча тасдикловчи хўжатларни иловга килган холда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Иsteъmolchi" буортмасига асосан, амалдаги меъёр, кондалар ва бошқа меъёрий хўжатлар асосида лойхалаштириш ташкилоти томонидан уланиши лойхаси ишлаб чиқлади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Иsteъmolchi" ва курилни ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилди.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилди.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқава тизими, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармогининг киритиш курилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимишининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига уланиши нуктасидаги сув чиқариши кудуги бўлиб, у "Иsteъmolchi"нинг ички оқава тизимишининг бир қисмидир. Агар чиқариши оқава кудуги магистрал оқава тармогида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармогининг эксплуатацияси эса "Иsteъmolchi"нинг кучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилди.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истемолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз хаёти ва соглигига, мулкига хавф тудирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилшини талаб қилиш;
- б) "Истемолчи" хисобидан хисоблаш курилмасини ўрнатиш;
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўреатиш талабларини бажармаганилиги учун "Таъминотчи"дан конунгчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор килиннипдан камида 15 кун оддин огохлантирган холда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган холда шартномани бир томонламда бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакиши орқали) бепул олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни бепул олиш;
- ж) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганилиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганилик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вакт) учун кайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш;

3.2. Истемолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқава тармоқлари ва курилмаларнинг мувофиқ равишда кўрикланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб колишига йўл кўймаслик, қудук конкокларини кор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамғаларининг бутлигини назорат қилиш, кулуклардан юза оқаваси мавжудигиги таъминлаш, ёнғинга карини гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга карши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишланини назорат қилиш;
- в) "Истемолчи" худудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқава тармоқлари ва курилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йигилишига ҳамда сув қувури, оқава тармоқлари ва курилмаларнинг устидан иншоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқава тармоқлари ва курилмаларнинг устидан иншоотлар курилшига йўл кўймаслик;
- г) коммунал сув қувури, оқава тармоқлари ва курилмаларнинг транзит нукталарида ҳар кандай шикастланиш, бузилишлар ҳакида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни хисобга олиш приборларида якъол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узуб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аникланганда ҳамда хисобга олинмаган ёнғинга карши гидрантлар мавжудлиги ҳакида дархол ёзма равишда ёки алоки тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вактида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи" жорий ойнинг охирги кунидан кечикмаган холда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгилangan миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқава сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилшига йўл кўймаслик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вакғида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор қилиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва оқава тармоқлари, курима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- ј) ишлаб чиқарип оқава сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиши концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқава тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истемолчи" худудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқава тизимларида ҳар кандай ишларнинг бажарилмадига бегона шахсларни кўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарар етказган "Истемолчи" дархол "Таъминотчи"га хабар беришни ва етказилган зарарни коплаган учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланиши бартараф этиш ва бехуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" куйидаги холларда, истемолчини 7 кун аввал хабардор килган холда, сув узатишни ва сув чиқариши тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:
- б) "Истемолчи" худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқава тармоқлари, мослама ва курилмаларнинг техник ҳолати конкаксиз ҳолатда бўлса ва "Истемолчи" техник фойдаланиши конкадаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истемолчи худудида жойлашган ва унинг тасарруfидаги бўлган сув узатиш ва оқава тармоқлари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатилишга ва бошқа ишларда "Истемолчи" томонидан асосиз ҳалакт берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи" томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқава тармоқларида ишлар баъжарилшида, "Истемолчи" уларга уланган бўлса, ва янти "Истемолчи" ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) "Истемолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истемолчиларнинг уланиб олганлиги аникланганда;
- е) "Истемолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов хўжатларига мувофиқ тўловни амалга оширганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истемолчи" тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши хизматларига уланишига рад жавобини берганда;
- ж) "Истемолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўrсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
- и) табиий оғатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнгин чиқсан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти тутгилганда.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимили равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истемол обьектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишни тизимили назорат килишини амалга ошириш ва уларни тўғри ишланиши ташкил этишида амалий ёрдам кўrсатиш; бюджет билан биргаликда "Истемолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиши ва сувдан оқилона фойдаланишини аниклаш, сувни етказиб бериш ва истемол қилишини катъий назорат қилиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истемол қилиши чекловларига риоя қилишини назорат қилиш;
- г) "Истемолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истемолчи"лар сув кувур хўжалигининг текширипни (индивидуал ҳисоблаш курилмаснинг яхши ишлабтганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларни олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўти билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истемолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истемолига оид меъёрий-хукукий ва бошка хужжатларнинг кабул килингандиги хақида "Истемолчи"ларни хабардор килиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги хақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истемолчи"га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслиқда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиккан зарарни, "Истемолчи" эса етказилган ҳакици зарарнинг ўринини коплаши шарт.

4.2. Истемолчи кўйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш курилмасидаги тамғалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошка сув узитили мосламаларидағи қисмларнинг унинг худудида ва тасаруфида бўлган тамғалangan ҳисоблаш курилмаларининг бутунилиги ва сакланниш учун;

б) сув тармокларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни ҳисобга олиш курилмаларининг касдан бузилишига йўл кўйиш ҳамда сув ҳисоблаш курилмаларидаги кўрсаткичларни ташкаридан аралишан ҳолда ўзгаририш ҳолатлари учун;

в) конунчиликда ўрнатилган бошка ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоатлар сабабидан, тармоклардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истемолчи" худудида жойлашган окава тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл кўймаслик. Ушбу коидабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истемолчи"нинг масъулити ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килади.

4.3 "Таъминотчи" кўйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва конунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилиш бошка ҳолларда;

б) "Истемолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вактида ва ишончли тақдим килинниш учун;

в) "Истемолчи"нинг хаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, коплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчиликда ўрнатилган бошка ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (кабул килинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича КҶСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Окава тизимига келиб тушувчи окава сувнинг микдори, шахар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув микдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссанк сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истемол килинувчи совук сув микдорига 2.0 коэффициенти кўлланилиади. "Истемолчи"нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, окава сувларнинг микдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истемолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истемолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик карзларини узиб, бу хақда Таъминотчи билан далолатнома имзоланиш шарт. Истемолчи чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутунилиги ва копланмаган дебитор карздорлик учун жавобгарлик объективнинг янги эгаси зинмасига юкланилади.

6.2. "Истемолчи"нинг сув узатиш-окава хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истемолчи"нинг хати келиб тушган кундан боплаш ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки кабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш кобилятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан кўйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q=Mx F x \sqrt{2g x H} x t$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган зулфин оркали сув сарфи коэффициенти;

F – суюклик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тупши тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вакт- 24 соат, секундларда;

Кўйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истемолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўк бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилгандан, автомашиналар ювилгандан;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмнинг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истемолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув микдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойнадаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув микдори II гурух истемолчилари учун ушбу Коиданинг 87-«б»банди бўйича ҳисоб-китоб килинади;

6.3.5. "Истемолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўгрисидаги талабномаси кондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўгинидаги кўйилган химоя копламига рухсатсиз тегилини натижасида, ичимлик сув соғ сарфия аниқлаши имконияти чегаралганда;

6.4. Ичимлик суви ва окава сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сакланниш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат килади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга кадар ҳисобга олинади.

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармокларга уланиш содир этишган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошиналиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниглаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тент деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини якунлангта асос бўлади.

6.6. "Истеммолчи" коммунал сув таъминоти ва окава сувни чикарип тармоқларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этмаган холатларда "Таъминотчи" томонидан, хоким карори ва қадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳаклидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул килинган окава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талаабномалари асосида уларга хизмат кильвчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеммолчи" томонидан З кунлик муддат ичида акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечикирилган тўловнинг хар бир куни учун 0.4% пеня ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошиналиги лозим.

6.8. "Истеммолчи" хисоб раками бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичда тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг хар бир даври учун, аввали ой тўловнинг 100% микдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кеини ой хисобига кўшилади. Агар "Истеммолчи" икки хафта муддат ичида тўловни амалга оширmasa, "Таъминотчи" хеч кандай огохлантиришлариз ичимлик сувини етказиб берипши ва окава сувларни чикарип туборишни карз ундирамагунга кадар тўхтатиб қўйиш ҳукукига эга. Бундай холатларда ёнгинанда сакланшири санитария холатлари учун жавобгарлик тўлов "Истеммолчи" зиммасига юкландади. Сув таъминоти ва окава сув чикарши тизимидан илгари узиб қўйилган холатларда кайта улашда II гурух истеммолчларидан энг кам ойликни ўзининг 10 (ён) баробари микдорида тўлов кайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимида рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилётган ишлаб чикариш окава сувларини "Истеммолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул килинган 11 сонли карори билан тасдиқланган "Ишлаб чикарип окава сувларини қабул килиш коидалари" хамда ифлослантируви моддларининг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа ахоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига норматидан ортиқча оқизилганини учун "Истеммолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент микдор тартибида хисобланади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри килинганини (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганини ва шу каби холатлар) тўгрисида "Истеммолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеммолчи"ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқсан низолар, келишув ўйли билан хал килинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчиликиги а мувофик Ташкент шаҳар туманлараро иктисолий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган холатлар юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда, Конунчиликда белгиланган тартибида хал килинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгib бўлмайдиган куч (форс мажор) холатлари (зилзила, сув тошкани, ёнгин, сел, дўл. жала ва бошқа табий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгib бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равинцида узайтирилади.

8.2. Форс-мажор холати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор холати бошланган муддатларни кўрсатган холда ёзма равинцида огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор холатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилик киля, томонлардан бири шартномани бекор килиш ҳукукига эга.

IX. Шартноманинг амал килиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газничилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 202_ йилнинг 31 декабригача амал қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Ташкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ

Ташкент 100060, Фидокор 2

Тел: 252-19-68, 252-60-79

Факс: 252-19-44

www.suvsoz.uz



Рахбар
М.У. (Ф.И.Ш., имзо)

«_____» 202 ____ й.

Хукукшунос

«ИСТЕММОЛЧИ»

Манзил

Те^инациональный центр^иРеспублики Узбекистан

газ/х-р по правам человека

Банк г.Ташкент, ул. И. Каримова, дом 16

Банк коди 100 010 860 262 007 085 200 024 001

ХХТУТ ИНН: 202136654 ОКЭД: 94 990

Шахсий ракам ОПЕРУ Казначейства Мин. Фин

Шахсий х-р 140 2000 3001 0000 1010

Банк^иБанк^иИМБ^иТашкент МФО: 00014 ИНН: 201122 019

Банк^иБанк^иСТИР

Банк^иБанк^и(газничилик бўлинмаси номи)

Рахбар^иМ.У. (Ф.И.Ш., имзо)

«_____» 202 ____ й.

Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳукукий асоси тўгрисида"ги Конунчалабарига мувофик тузилган

«_____» 202 ____ й.